

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

4-2019

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

<b>А.Э.Мадраҳимов</b> Тартибланган статистикалар учун концентрация функциясининг баҳолари .....	5
<b>В.Т.Саматов, У.В.Соғиббоев, У.А.Мирзамамудов</b> Иккинчи тартибли дифференциал ўйинлар .....	12

КИМЁ

<b>И.Р.Асқаров, А.С.Хожиқулов</b> Йод танқислигини бартараф этишда ишлатиладиган дори воситалари ва уларнинг кимёвий таркиби.....	19
<b>Ш.Ш.Турғунбоев, А.Х.Хаитбаев</b> Бетулон кислотасини синтез қилиш .....	24
<b>Д.Т.Хасанова, И.Р.Асқаров</b> Пивони кимёвий таркиби асосида синфлаш ва сертификатлаш .....	29

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

<b>В.Махмудов</b> Маданийлаштириш шароитларида <i>Agropyron Cristatum</i> (L.) Beauv. ning катта ҳаётий цикли.....	36
<b>М.Холиқов, Ё.Ахмедова</b> Қора калхат ( <i>milvus migrans</i> )нинг Фарғона водийсида ҳаёт цикли ҳақида.....	43

ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

<b>М.Исағалиев, М.Обидов, Р.Матҳолиқов</b> Доривор <i>sarparis spinos</i> нинг морфогенетик ва биогеокимёвий хусусиятлари .....	45
<b>Н.Ж.Халилова</b> Суғориладиган типик бўз тупроқларнинг морфогенетик хусусиятлари .....	49
<b>А.Турдалиев, К.Асқаров, Н.Ходжиболаева</b> Суғориладиган тупроқларда лантаноид ва радиоактив элементларнинг геоэнергетик хусусиятлари .....	52

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

<b>Э.Мўйдинов, З.Таджибаев, А.Мирсодиқов, М.Мўйдинов</b> Кластер: назария ва амалиёт .....	57
<b>А.Мирсодиқов</b> Худудларда хизмат кўрсатиш соҳаларига инвестицияларни жалб қилиш механизмларини такомиллаштиришнинг назарий асослари .....	62

ТАРИХ

<b>Э.Раҳмонов</b> Ўзбекистонда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли тоифаларини ҳимоялаш сиёсати: муаммолар ва илк натижалар (1991-2000 йй., Фарғона водийси мисолида).....	65
<b>А.Азизов</b> Фарғона водийси аҳолисининг уй ҳайвонлари билан боғлиқ тасаввурлари (қўй мисолида).....	69
<b>Б. Усмонов</b> Темурийлар даврида Фарғона боғдорчилиги .....	73
<b>С.А. Хошимов</b> Миллий сиёсий муҳолифатга қарши тазйиқ ва таъқиблар .....	76
<b>Р.Х.Максудов</b> Музей – халқ тарихининг кўзгуси .....	80
<b>О.А. Кличев</b> Бухоро амирлигида элчиларни кутиб олиш тартиби (xix асрнинг иккинчи ярми - xx аср бошлари).....	83
<b>О.В.Маҳмудов</b> Ўрта аср Испания таржима марказларида лотин тилига ўғирилган асарлар (I қисм: аниқ фанларга оид китоблар).....	87

УДК:

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ: МИЛЛИЙ ТАЖРИБА ВА ХАЛҚАРО ТАШАББУСЛАРНИНГ ОБЪЕКТИВ ЗАРУРИЯТИ**  
**ГОСУДАРСТВЕННАЯ МОЛОДЕЖНАЯ ПОЛИТИКА УЗБЕКИСТАНА: НАЦИОНАЛЬНЫЙ ОПЫТ И ОБЪЕКТИВНАЯ НЕОБХОДИМОСТЬ МЕЖДУНАРОДНЫХ ИНИЦИАТИВ**

Ш.А.Раҳимов

**Аннотация**

Мақолада Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида ёшлар сиёсатининг ҳуқуқий асосларини яратилиши, ёшларнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий фаоллигини ошириш ва уларнинг жамият ҳаётидаги ўрнини ошириш борасида амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмуни тарихий контекстда кўриб чиқилган. Шунингдек, мақолада Ўзбекистонда амалга оширилаётган ёшлар сиёсатининг механизмлари, йўналишлари, жорий ҳолати, бу борада тўпланган миллий тажрибанинг ўзига хос жиҳатлари, ютуқлари ва истиқболлари, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг жаҳон миқёсидаги ёшлар манфаатлари борасидаги ташаббусларининг объектив сабаблари ҳақида сўз юритилади.

**Аннотация**

В статье рассматривается содержание осуществляемых за годы независимости в Республике Узбекистан реформ по созданию правовых основ молодежной политики, повышению социальной, политической, экономической активности молодежи и повышению ее роли в жизни общества в историческом контексте. В статье также рассказывается о механизмах, направлениях, текущем состоянии реализуемой в Узбекистане молодежной политики, особенностях, достижениях и перспективах накопленного в этом направлении национального опыта, объективных причинах инициатив Президента Узбекистана Шавката Мирзиёева в сфере интересов молодежи на мировом уровне.

**Annotation**

In the article, the content of the reforms carried out in the years of independence in the Republic of Uzbekistan to create the legal basis of youth policy, to increase the social, political, economic activity of young people and to increase their place in the life of society is considered in the historical context. The article also talks about the dimensions, directions, current state of the youth policy implemented in Uzbekistan, specific aspects, achievements and prospects of the national experience accumulated in this regard, and the objective reasons for the initiatives of the president of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev on the interests of young people of the world scale.

**Таянч сўз ва иборалар:** ёшлар, сиёсат, ёшлар сиёсати, ёшлар қатлами, ёшлар ҳуқуқ ва манфаатлари, ёшлар фаоллиги, ёшлар ташаббуслари, иқтидорли ёшлар, ёш кадрлар, миллий тажриба, дунё ёшлари, ёшлар муаммолари, ёшлар ва диний экстремизм, ёшлар тарбияси, ёшлар концепсияси.

**Ключевые слова и выражения:** молодежь, политика, молодежная политика, уровень молодежи, права и интересы молодежи, активность молодежи, молодежные инициативы, талантливая молодежь, молодые кадры, национальный опыт, молодежь мира, проблемы молодежи, молодежь и религиозный экстремизм, воспитание молодежи, концепция молодежи.

**Key words and expression:** youth, politics, youth policy, youth stratum, youth rights and interests, youth activity, youth initiatives, youth leaders, youth cadres, national experience, world youth, youth problems, youth and religious extremism, youth education, youth concept.

Мустақилликнинг дастлабки кунларида “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонунинг қабул қилиниши ёшлар сиёсатининг қонуний асосини яратиб, ёшларнинг ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий жиҳатдан камол топишига қаратилган давлатнинг муҳим йўналишларини белгилаб берди.

Кейинчалик ёшлар тарбияси ва камол топиши, уларни соғлом турмуш тарзига ўргатиш, улар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, иш билан банд қилишда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Таълим

тўғрисида”ги, “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги, “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги, “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги, “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги ҳамда бошқа қатор қонун ва дастурларнинг қабул қилиниши ўзининг ижобий натижаларини берди.

Ўтган давр мобайнида ёшлар манфаатларини муҳофаза қилишга қаратилган саъй-ҳаракатлар мазмуни бир қатор йўналишларда ривожланди.

Биринчидан, мустақил давлатчилик сиёсатини яратишда инсоний қадриятлар ва миллий анъаналарга асосланган кўп асрлик

Ш.А.Раҳимов - ЎзФА Тарих институти мустақил изланувчиси

тажриба ва амалиётдан фойдаланиш;

Иккинчидан, ёшлар муҳофазасини яратиш жараёнида уларнинг ижтимоий ҳимоясини амалга ошириш муаммоларининг устун қўйилиши, ёшларнинг янги демократик жамиятга интеграциялашуви жараёнларини қўллаб-қувватлаш;

Учинчидан, ёшлар сиёсати масалаларини ишлаб чиқишда умумбашарий ва миллий кадриятлар уйғунлигига эришиш, бутун жаҳон тажрибасида мавжуд бўлган илғор ғоя ва нормалардан унумли фойдаланиш ва бошқа бир қатор ривожланган услуб ва тажрибалар.

Олимларнинг таҳминий ҳисоб-китобларига кўра ҳозирги демографик ўсиш суръатлари асосида 2040 йилга бориб, Ўзбекистон аҳолиси 48 миллионга етади, яъни бугунгидан бир ярим баробар кўп бўлади. XXI аср охирига бориб бу кўрсаткич юз миллион кишига етиши мумкин. Бундай ўсиш натижасида ёшлар аҳоли таркибида катта қатлам сифатида намоён бўлиши, натижада эса ёшлар сиёсати борасида долзарб чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарурияти пайдо бўлади.

Бугунги кунга келиб ёшлар ва сиёсат тушунчалари ўзаро мужассамлашиб кетди. Айниқса, ёшлар масаласи ҳалқаро сиёсатда ҳам акс этгани ҳолда ёшлар муаммолари тор иқтисодий даражадан, яъни ёшларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этилганлигини ифодаловчи ижтимоий-иқтисодий категориялар ёки улар турмуш тарзи билан боғлиқ бўлган ижтимоий муаммолардан глобал сиёсий муаммо даражасига кўтарилди. Бу эса ёшларнинг сиёсий-ижтимоий жараёнларда янада фаол иштирок этаётганлигиуларнинг ғоявий-мафкуравий дунёқараши такомиллашганлиги, сиёсий онги, сиёсий маданияти ва мафкураси, энг аввало, манфаати ва қизиқишлари, интилишларининг объектлари ривожланаётгани билан боғлиқ демакдир.

Жамиятимизда ҳам мазкур жараёнлар ривожланмоқда. Ёшлар қонституцияда белгилаб қўйилган ҳуқуқларидан фойдаланишда, ўз эҳтиёжларини қондиришда давлат сиёсатига муҳтож бўлмоқда, давлат ҳам ўз тараққиёти йўлида ёшлар манфаатларини амалга оширишдан, уларнинг салоҳияти ва кучидан тўғри фойдаланишдан манфаатдордир. Шунинг учун ҳам бугун йигирма етти йиллик тажрибамиздан, энг асосийси, Президент Ш.Мирзиёевнинг ёшлар сиёсати борасида билдирган фикрлари, қолаверса, ёшлар олдида қўйган вазифа ва тақлифларидан келиб чиққан ҳолда,

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2017 йил сентябр ойида бўлиб ўтган 72-сессиясида ёшлар борасида билдириган фикрлари<sup>1</sup> асосида мамлакатда “Ёшлар концепсия”сини ишлаб чиқиш зарурияти пайдо бўлди. Барчамизга маълумки, мамлакатимиз ўз ривожланишининг янги босқичига кўтарилди. Ёшлар сиёсати бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда. 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон

Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 4-йўналишида ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган<sup>2</sup>. Бу борада янги концепция ҳар биримизнинг тасаввурларимиз шаклланишига, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий тафаккурини ривожлантиришга ва амалий фаолиятига кўпроқ ёндашишига хизмат қилади. Зеро, Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислоҳ Каримов таъкидлаганларидек, “бугун ёшларнинг олиб борилаётган сиёсий ислохотлар моҳияти ва аҳамиятини аниқ тушуниши, бу ишда ўз ўрни ва иштирокини белгилаб олиши учун шароит яратиш, ёшларда ҳуқуқий демократия, конституциявий тузум принциплари ва ҳуқуқий давлат ижтимоий-сиёсий тизими ҳақида тўғри тасаввур шакллантириш керак”<sup>3</sup>.

Эслаш жоизки, бундан тўрт йил муқаддам ёшлар сиёсатида бурилиш ясаган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ҳам ёшларнинг жамиятда ўз урнини топиши борасидаги ислохотларнинг ривожини белгилаб берган ва ўша давр учун янги босқич бўлган эди. Қарорга асосан ўтган давр мобайнида сезиларли ишлар амалга оширилди. Лекин ёшларга оид давлат

<sup>1</sup>Қаранг: Ш.М.Мирзиёевнинг БМТнинг 72-сессиясида сўзлаган нутқи.

<sup>2</sup>2017-2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси 4-йўналиш, 4,5 қисм, 268 банд. /ПФ-4947. 7.02.2017/.www.lex.uz

<sup>3</sup>Каримов И.А. Ёшларга ишонч билдириш, уларнинг ташаббус ва салоҳиятини рўёбга чиқариш бугунги куннинг устувор вазифасидир. –Т.: Ўзбекистон, 2006. –Б.97.

## ТАРИХ

сиёсатининг бугунги кундаги ривожини том маънода янги босқич сифатида қабул қилинган "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида" ги қонун белгилаб берди. Мазкур қонунда илк маротаба ёшларга оид давлат сиёсати тушунчасига ҳуқуқий таъриф берилиб, у "давлат томонидан амалга ошириладиган ҳамда ёшларни ижтимоий жиҳатдан шакллантириш ва уларнинг интеллектуал, ижодий ва бошқа йўналишдаги салоҳиятини камол топтириш учун шарт-шароитлар яратилишини назарда тутадиган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий чоратadbирлар тизими"<sup>4</sup> тарзида ифодаланди. Илм-фан ва технологиялар, инновацияларнинг жадал ривожланиши ёшлар интеллектуал ривожига ҳам ўз-ўзидан маълум вазифалар қўймоқда. Бу борада уларнинг истеъдоди ва қобилиятларини тўлиқ амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари янги қонун билан белгилаб берилди.

Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг ташкил этилиши (2017 йил 30 июнь) ҳам ёшлар сиёсатининг мантиқий давоми бўлди. Бугун ташкилотдан ёшлар ҳаётидаги энг долзарб масалаларни ҳал қилиш талаб этилмоқда, айниқса уюлмаган ёшлар билан ишлаш ва улар учун муносиб шароитлар яратиш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, касб-хунарга йўналтириш ва бандлигини таъминлаш, уларнинг ташаббусларини рағбатлантириш шулар энг асосий вазифалардан қилиб белгилаб берилди. Ёшлар иттифоқи давлат органлари, нодавлат-нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан давлатнинг ёшлар сиёсатини амалга оширишда самарали ҳамкорлигини таъминлайдиган, «Ёшлар - келажак бунёдкори» шиори остида профессионал фаолиятни амалга оширадиган тузилмага айланмоқда.

Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий кенгаши раиси бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Президенти Девонида президентнинг ёшлар сиёсати масалалари бўйича Давлат маслаҳатчиси сифатида фаолият юритиши ёшлар муаммоси доимо мамлакат президентининг диққат марказида бўлади ва ёшлар етакчисининг бир вақтнинг ўзида Олий Мажлис Сенати аъзоси эканлиги қабул қилинаётган қонунларда ёшлар

манфаатларининг ифода этишидан далолатдир.

Мустақиллик йилларида фаолият юритган ёшлар ташкилотлари тарихдан маълумки, иқтисодий имкониятар билан қўллаб-қувватланмаган ташкилот ўз фаолиятида сезиларли натижага эришиши қийин. Давлат раҳбарияти томонидан бу масала эътиборга олинди, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 31 майдаги 207-сонли қарори асосида ёшларнинг "Камолот" жамғармаси тузилди ва Вазирлар Маҳкамасининг захира фондидан "Камолот" жамғармасига 50 млн. сўм, "Бизнес-фонд" - 15 млн. сўм ва Ўзбекистон Республикаси аҳолини иш билан таъминлаш жамғармаси - 20 млн. сўм миқдоридан маблағ ажратилди ҳамда домий равишда Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари, идоралари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, корпорациялар, концернлар, уюшмалар, корхоналар, хўжаликлар ва ташкилотлар, муассасалар ҳамда жамоат ташкилотлари, бошқа барча юридик шахслар Жамғарманинг Устав вазифаларини бажаришга доир фаолиятига муттасил равишда амалий ёрдам бериб бордилар. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ташкил этилгандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 30 майдаги 240-сонли қарори асосида Ўзбекистон ёшларининг "Камолот" ижтимоий ҳаракати Маслаҳат кенгашининг ҳаракатнинг дастурий мақсадлари ва уставда кўрсатилган вазифалари доирасида амалга ошириладиган ҳаракатнинг фаолиятини маблағ билан таъминлаш учун Ўзбекистон ёшларининг "Камолот" ижтимоий ҳаракатини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисидаги таклифига розилик берилган ҳолда ўзаро қўллаб-қувватлаш тўғрисида тузиладиган шартномалар асосида ҳисобланган ягона солиқ тўлови суммасининг 8 фоизи кичик бизнес корхоналари (савдо корхоналаридан ташқари) томонидан Ўзбекистон ёшларининг "Камолот" ижтимоий ҳаракатини ривожлантириш жамғармасига ўтказилиши белгилаб берилган эди. Бу норма 2017 йил 30 июнга қадар ёшлар ташкилотининг молиявий қўллаб-қувватлаш асоси бўлиб хизмат қилди.

Бугунги кунга келиб, президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган Ўзбекистон ёшлар иттифоқини иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тизими тубдан

<sup>4</sup>Халқ сўзи // № 182 (6617) 2016 йил 15 сентябрь.

такомиллаштирилди. Президентнинг 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сонли Фармонида асосан 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб кичик бизнес корхоналари томонидан тўланадиган ягона солиқ тўлови учун ҳисобланган сумманинг 8 фоизини Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ривожлантириш жамғармасига ўтказиш белгилаб берилди. Ижтимоий ҳаракат сифатида фаолият олиб борган ёшлар ташкилотини қўллаб-қувватлаш учун кичик бизнес корхоналари билан ўзаро қўллаб-қувватлаш шартномалари тузилган бўлса, фармон асосида кичик бизнес корхоналари томонидан тўланадиган ягона солиқ тўлови учун ҳисобланган сумманинг 8 фоизи Ёшлар иттифоқи маҳаллий кенгашларига тўғридан тўғри ўтказиб берилмоқда, шунингдек, бугунги кунда ягона солиқ тўловчи савдо корхоналарининг ҳисобланган ягона солиқ тўлови суммасининг 8 фоизи ҳам ёшлар иттифоқи жамғармасига ўтказилмоқда. Ёшлар иттифоқининг йиллик бюджети бугунги кунда ўртача 330 млрд. сўм ни ташкил этмоқда. Собиқ "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати маҳаллий Кенгашлари ҳар ойда ёшлар манфаатлари учун ўртача 1 млн. сўм сарф этган бўлса, бугунги кунда Ёшлар иттифоқининг маҳаллий Кенгашлари ўртача 15-20млн. сўм маблағ сарфламоқда. Шунингдек, Ёшлар иттифоқи қошида ташкил этилувчи шўъба корхоналар 10 йил муддатга барча турдаги солиқлардан озод қилинди. Шунингдек, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи қошида турли фанлар, жумладан, чет тилларни ўргатиш, компьютар дастурларини тузиш ва тадбиркорлик асосларини ўқитиш мақсадида ташкил этиладиган шўъба корхоналарини 2027 йил 1 августга қадар барча солиқлардан озод этиш, бунда корхона ихтиёрида қоладиган сумманинг 20 фоизини Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ривожлантириш жамғармасига ўтказиш белгилаб берилди<sup>5</sup>.

Президентимиз томонидан Ўзбекистон Ёшлар иттифоқига яратиб берилган шароитлар натижасида ёшлар ташкилоти мамлакат ривожига бефарқ бўлмаган ёшларни шакллантирмоқда. Ёшлариттифоқи ўз фаолиятини ривожлантиришда турли ёшлар уюшмаларини, ижтимоий ва психологик ёрдам кўрсатиш марказларини ташкил этди ҳамда замонавий, янги руҳдаги йирик тадбирларни ўтказмоқда.

Бундан ташқари, Ёшлар иттифоқи ёшлар билан ишлаш масаласида хорижий тажрибани ўрганмоқда, хорижий тажрибанинг ижобий жиҳатларини ўз фаолиятига сингдирмоқда. Чет элда таълим олаётган ёки меҳнат қилаётган ёшлар манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларнинг муаммоларини ўрганган ҳолда улага амалий ёрдам кўрсатиш борасида янги қадамларни ташламоқда. Бунга мисол сифатида Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи раисининг Россия Федерациясига чет элдаги ёшлар муаммолари билан танишиш юзасидан қилган сафарини келтиришимиз мумкин. Бундан ташқари, Ёшлар иттифоқи вакиллари 2017 йил давомида Хитой, Хиндистон, Германия, Туркия, Қозоғистон, Қирғизистон, Озарбайжон давлатларига ташриф буюрдилар.

Ёшлар иттифоқи қошида ташкил этилган Ёшлар пресс-клубининг ишга туширилиши мамлакатда ёшлар ҳаётини тезкор ёритиш бўйича янги минбар сифатида намоён бўлмоқда. Ёшлар пресс-клубида муҳокама қилинаётган ёшлар масалалари ёшларнинг мамлакатда нафақат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги, қолаверса ўткир иқтисодий муаммоларини ҳал этилишида ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда.

Мамлакат келажаги ҳисобланган ёш, иқтидорли кадрларни тайёрлаш, уларни жамиятнинг турли соҳаларига профессионал тарзда етказиб бериш президент томонидан Ёшлар иттифоқи зиммасига юклатилди. Бу вазифани амалга ошириш мақсадида 2017 йилда Ўзбекистон Республикаси президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошида Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти ташкил этилди. Жорий йилнинг 4 май кундаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қорори билан мазкур даргоҳга тингловчиларни ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқланди. Асосий мақсад давлат ва жамоат ташкилотларида фаолият олиб бораётган ёш кадрлар маълумот базасини шакллантириш, уларни кадр сифатида ўсиш тизимини мониторинг қилиш, иқтидорли кадрларни бошқарув лавозимларига илгари суриш бўйича таклифларни тайёрлаш, шунингдек, ёш кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш этиб белгиланди.

<sup>5</sup>"Халқ сўзи", 2017 йил 6 июль

Ҳозирги кунда Ўзбекистон бутун дунёда ёшлар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ҳам бир қатор ташаббусларни илгари суриб келмоқда. БМТ расмий сайтида ([un.org](http://un.org)) ёзилишича, Ўзбекистон Республикаси Президенти БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясидаги нутқида БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқишни таклиф қилди, терроризм муаммосига катта эътибор қаратган ҳолда, унинг туб сабабларига барҳам беришга чақирди. Интернет манбааси “Бу борада кўп ҳолларда таҳдидларни келтириб чиқараётган асосий сабаблар билан эмас, балки уларнинг оқибатларига қарши курашиш билангина чекланиб қолинмоқда. Халқаро терроризм ва экстремизмнинг илдизини бошқа омиллар билан бирга, жаҳолат ва мурасасизлик ташкил этади, деб ҳисоблайман. Шу муносабат билан одамлар, биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир. Глобаллашув ва ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланиб бораётган бугунги шароитда ёшларга оид сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишга қаратилган умумлаштирилган халқаро ҳуқуқий ҳужжат – БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқиш”ни таклиф этди. Ушбу ташаббуснинг туб моҳияти ва аҳамияти шундаки, бугунги дунё ёшлари – сон жиҳатидан инсоният тарихидаги энг йирик авлод бўлиб, улар 2 миллиард кишини ташкил этмоқда<sup>6</sup> – дея Президентимиз айтган фикрларини келтириб ўтган.

Дарҳақиқат, дунёда экстремистик фаолият ва зўравонлик билан боғлиқ жиноятларнинг аксарияти 30 ёшга етмаган ёшлар томонидан содир этилмоқда. “Сайёрамининг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси “вируси” тарқалишининг олдини олишдир”<sup>7</sup>.

#### References:

1. Mirziyoyev Sh.M. Erkin va farovon, demokratik O'zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz. – Toshkent: “O'zbekiston”, 2017.
2. SH.M.Mirziyoyevning BMTning 72 – sessiyasida so'zlagan nutqidan // <http://president.uz/uz/lists/view/1063>
3. Karimov I.A. Yoshlarga ishonch bildirish, ularning tashabbus va salohiyatini ro'yobga chiqarish bugungi kunning ustuvor vazifasidir. –T.: O'zbekiston, 2006.
4. Yoshlarga oid davlat siyosati samaradorligini oshirish va O'zbekiston yoshlar ittifoqi faoliyatini qo'llab-quvvatlash to'g'risida O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni // Xalq so'zi. – 2017. – 6 iyul. №132 (6826).
5. “Yoshlarga oid davlat siyosati to'g'risida” O'zbekiston Respublikasining qonuni // Xalq so'zi. – 2016. – 15 sentabr. №182 (6617).
6. Yoshlar muammolari: holat va istiqbol. Respublika konferensiyasi Materiallari. – Toshkent: Yangi asr avlod», 2002.

<sup>6</sup><http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-prezidenti-shavkat-mirziyeev-bmt-bosh-assambleyasi-20-09-2017>

<sup>7</sup>Қаранг:Ш.М.Мирзиёевнинг БМТнинг 72-сессиясида сўзлаган нутқи.